

Арафотда туриш



18:16 / 14 июнь 11683

АРАФОТДА ТУРИШ

Арафотда ҳажнинг асосий аркони адо этилади. Арабча «арафот» сўзи луғатда «билиш, таниш» маъноларини билдиради. Макканинг жануби-шарқий қисмидаги, ундан йигирма икки чақирим узоқликдаги тоғ ва водий Арафот деб аталади.

Одам алайҳиссалом билан Ҳавво онамиз бир-бирларини таниб-топишишгани учун Арафот деб номланди. Ёки Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга ушбу маконда ҳаж амалларини ўргатганлари учундир. У зот: «Арофта?» («Ўрганиб бўлдингми?») деганларида, Иброҳим алайҳиссалом: «Ҳа», деганлар. Мана шундан кейин Арафот деб номланиб қолди, деб Ибн Аббос айтганлар.

Арафа куни бомдод намози ўқилгандан сўнг Минодан Арафотга қараб йўлга тушилади. Ҳожилар зул-ҳижжанинг тўққизинчи куни шу ерда туриб ҳажнинг асосий арконларидан бирини адо этишади. Арафотда маълум муддат турмаган кишининг ҳажи ҳаж ҳисобланмайди.

Абдурахмон ибн Яъмур Дийлий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Арафотда турганларида у зотнинг ҳузурларига бордим. Шунда Нажд аҳлидан бир гуруҳи келиб, бир кишига

буюришган эди, ўша одам у зотга: «Хаж қандай (қилинади)?» деб нидо қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир кишига буюрдилар ва у: **«Хаж! Хаж Арафот кунидир. Ким Жамъ (Муздалифа) кечасининг бомдод намозидан олдин келса, ҳажи тугал бўлади. Мино кунлари учтадир. Ким икки кунда шошилса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечга қолса, унга ҳам гуноҳ йўқ!»** деб нидо қилди».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Арафот шимолида Раҳмат тоғи бўлиб, унда Пайғамбар алайҳиссалом сўнгги ҳажларида машҳур вадоеъ (видолашув) хутбасини қилганлар. Арафотда дуолар ижобат бўлиши таъкидлангани учун унда Раҳмат тоғига юзланиб Аллоҳ таолога ёлбориш, тавба-тазаррулар қилиш, раҳмат-мағфират сўраш суннат амаллардандир.

Амр ибн Шуаъбдан, у отасидан, у бобоси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дуоларнинг яхшиси Арафот куни дуосидир»**, дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Ушбу макон Ҳарам ҳудудидан ташқаридаги ибодат ўрнидир. Арафотда қуйидаги оят нозил бўлган: **«Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим, Мен сизларга неъматимни тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим»** (Моида сураси, 3-оят).

Арафа куни қуёш оққанидан то ҳайит кунининг тонгигача Арафотда туриш (вуқуф) вақтидир. Шу вақт ичида бирор сония бўлса ҳам Арафотда туриш фарздир. Яъни, бу вақтда белгиланган Арафот чегараси ичида турмаган киши ҳаж қилган ҳисобланмайди. Айтилган вақтда Арафот чегараси ичида туриш ҳажнинг асосий рукнидир.

Арафот чегарасининг ичидаги ҳамма ер («Батни Урана» деб аталувчи жой мустасно) бир хилдаги туриш жойи ҳисобланади. Арафотнинг бир жойи бошқасидан афзал ҳисобланмайди.

Қуёш ботганидан кейин Арафотда тўп отилади. Тўп отилиши «туриш вожиб бўлган вақт тугади, йўл очилди, Арафотдан қайтишга рухсат», дегани бўлади. Арафотга кундузи етишолмаганлар кечанинг қайси вақтида бўлса ҳам тонг отгунча Арафотга етса бўлади. Арафотдан унинг

чегарасини билмай ўтиб кетса ҳам ҳажи ҳаж бўлади, Арафотда турган ҳисобланади.

Ҳайит кунининг субҳи содиғи киргунича бирор сабаб билан Арафотга етишолмай қолган киши Арафотда турмаган ҳисобланиб, ҳажни кейинги йилга қолдиради.

Арафотга чиқишда ва у ерда турганда доим такбир, таҳлил, ҳамд ва талбия («лаббайка») айтилади. Арафот улуғ мақом бўлиб, у жойдаги дуолар қабулдир. Шунинг учун ҳожи у ерда доимо дуода бўлишга интилиши лозим. У қалбни ҳозир қилиб, зикрда, қироатда, илтижода, чин дилдан тазарруда бўлиши керак.

Арафотга чиқишдан олдин ғусл қилиб олинса яхши бўлади. Арафотда туриш ҳажнинг асосий рукни бўлгани учун эҳтиёт бўлиб Арафот чегарасида, вуқуфга макон ҳисобланган жойда туриш керак. Бошқа жойда туриб қолганларнинг ҳажи ҳаж бўлмайди.

Арафотга чиқишда ва у ерда туришда ҳамisha талбия («Лаббайка») айтилади.

Арафот улуғ мақом бўлиб, у жойдаги дуолар қабулдир. Шунинг учун ҳожи у ерда доимо дуода бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Арафотда ва Раҳмат тоғида қуйидаги дуоларни ўқиш тавсия этилади:

«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи. Субҳаналлоҳил ѓазийм».

«Ла илаҳа илла анта. Субҳанака инни кунту миназ-золимийн».

«Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ѓалийил ѓазийм»

«Роббана атина фид-дуня ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина ѓазабан-нар».

«Аллоҳумма аслиҳ ли динийаллазий ҳува ѓисмати амри ва аслиҳ ли дунйаяллоти фиҳа маъаший ва аслиҳ лий ахиротияллоти фиҳа маъадий, важъалил ҳайата зийадаталли мин кулли хойрин, важаълил мавта роҳаталли мин кулли шаррин».

«Аъзузу биллаҳи мин жаҳдил балаи ва даркиш-шақои ва суъил қазои ва шатаматил аъдаи».

Арафотда пешин ва аср намозлари бир азон ва икки иқомат билан қўшиб қаср қилиб ўқилади. Ҳажнинг амири хутба ўқийди. Арафотда қуёш ботгунча туриш вожиб ҳисобланади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг умр сафари китобидан)